

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САФАРОВ СУННАТУЛЛА САТОРОВИЧ**

**ЎТКИР ПАНКРЕАТИТНИНГ ЙИРИНГЛИ-СЕПТИК АСОРАТЛАРИДА**  
**ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШГАН ИММУНОТЕРАПИЯ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**14.00.27 - Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Сафаров Суннатулла Саторович**

Ўткир панкреатитнинг йирингли-септик асоратларида  
дифференциаллашган иммунотерапия ..... 3

**Сафаров Суннатулла Саторович**

Дифференцированная иммунотерапия гнойно-септических осложнений  
острого панкреатита ..... 26

**Safarov Sunnatulla Satorovich**

Differentiated immunotherapy of purulent-septic complications of acute  
pancreatitis ..... 52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САФАРОВ СУННАТУЛЛА САТОРОВИЧ  
ЎТКИР ПАНКРЕАТИТНИНГ ЙИРИНГЛИ-СЕПТИК АСОРАТЛАРИДА  
ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШГАН ИММУНОТЕРАПИЯ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib801 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Абдурахмонов Мамур Мустафоевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар**

**Мусаходжаева Дилором Абдуллаевна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Тешаев Октябр Рухиллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Доғистон Давлат тиббиёт университети**  
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «23» август соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865)-223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865)-223-00-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «6» август кунини тарқатилди.  
(2021 йил «6» август даги 11 рақамли реестр баённомаси).



*(Handwritten signatures in blue ink)*

**А.Ш. Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н. Ачилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.А. Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ва дунё жарроҳлари ассоциациясининг планетамиз миқёсидаги панкреатит касаллиги бўйича янгиланган маълумотларига кўра «ўткир хирургик касалликлар» орасида ўткир панкреатит билан касалланиш асосий ўринни эгаллаб, 3-10% ташкил қилади. Мутахассисларни фикрига кўра «ушбу патологияда ўлим кўрсаткичи 15% ни, йирингли-септик ва тотал ўчоқли панкреонекрозда эса бу кўрсаткич 70% гача ошади ва шу сабабли тиббий-ижтимоий жиҳатдан долзарб муаммо ҳисобланади»<sup>1</sup>. Оғир кечадиган ўткир панкреатит иккиламчи иммунтанқислик билан ҳамроҳлик қилиши, бунда касаллик кечишини сезиларли даражада чуқурлашиши исботланган ва шу сабабли иккиламчи инфекция кўшилиши касалликнинг биринчи ҳафтасидан сўнг 25% ҳолатларда, икки ҳафтадан сўнг 50% ва 3 ҳафтадан сўнг 100% ҳолатларда юз беради. Шу сабабли ўткир панкреатитни даволашда имунокоррекция усулларни қўллаш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда ўткир панкреатитни замонавий даволашда иммунологик омилларни инобатга олишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўткир панкреатитни хирургик даволашда эришилган ютуқларга, юқори самарадорликга эга бўлган антибактериал ва антисептик воситалардан фойдаланишга қарамасдан, йирингли-септик асоратларнинг пасайишига моиллик курсатмасдан кўпайиб бориб 15-49% ҳолатларда ривожланмоқда. Замонавий қарашлар шуни кўрсатдики, ўткир панкреатитнинг йирингли - септик асоратларида аниқланган иммун тизимидаги ўзгаришларига боғлиқ равишда асосланган ва мақсадли профилактик имунокоррекцияни ўтказишга бағишланган илмий тадқиқот ишларини бажариш ҳозирги замон жарроҳлигининг долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини тубдан янгилаш юзасидан ижобий натижаларга эришилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида, шу жумладан, ўткир панкреатитни замонавий даволаш ва унинг асоратланиш даражасини камайтириш борасида ижобий натижаларга эришилди. Бу борада Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат сифатини янада ошириш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жумладан ўткир панкреатитнинг йирингли-септик асоратларини даволашда иммунотерапия қўллаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

<sup>1</sup> World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 297. World Health Organization website, 2012. [www.who.int/iris/handle/10665/244872](http://www.who.int/iris/handle/10665/244872)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўткир панкреатит шошилиш жарроҳликнинг долзарб муаммоси ҳисобланади (Винник Ю.С., 2010; Бухвалов А.Г., 2016). XX асрнинг иккинчи ярмида меъда ости беши некрози муаммоларини жадал ўрганишга қарамасдан, улар XXI асрда ҳам мунозарали муаммо бўлиб қолмоқда, (Имаева А.К., 2014; Aranda J. M. 2014). Ушбу ҳолат касалланиш даражасини доимий равишда ортиб бориши, асоратлар ривожланиш ва ўлим даражаси юқорилиги билан белгиланади (Гришин А.В. 2007; Munigala S.D., 2016). Агар, яқин вақтларгача ўткир панкреатит 0,5% дан 4% гача учраган бўлса, ҳозирги вақтда ушбу патологиянинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Ўткир панкреатитни қорин бўшлиғи аъзоларининг шошилиш жарроҳлик патологияси билан оғриган беморларнинг умумий сонининг 20% ёки ундан кўпроғини ташкил этади ва ўткир аппендицит, холециститдан кейинги ўринларда туради (Рабаев Г.Р., 2016). Ўткир панкреатит билан касалланган беморларнинг сонининг кўпайишга мойиллиги билан бир қаторда, ушбу касалликнинг деструктив шакли билан оғриган беморлар сонининг ошиши ҳам кузатилмоқда, уларнинг сони камида 15-20% ни ташкил қилади (Анищенко В.В., 2016, Voumitri С.В., 2017).

Кузатилган барча ўткир деструктив панкреатит 60% суюқликли киста шаклланиши билан асоратланади (Имаева А.К., 2014). Сўнгги ўн йилликларда ушбу соҳада эришилган барча ютуқ ва муваффақиятларга қарамай, ўткир панкреатитнинг консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволаш ривожланишига қарамай, ўлим кўрсаткичи ўртача 15-25% ни ташкил этади, ўткир панкреатитни панкренекроз асоратларида эса бу кўрсаткич ҳаттоки 30-40% га етади (Островский В.К., 2015, Munigala S.E., 2016).

Ўткир жарроҳлик касалликлари бўлган беморларда йирингли асоратларни олдини олиш ва даволаш жарроҳликнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда (Вашетко Р.В., 2015; Китаев В.М. 2016; Karakayali F.Y., 2014; Voumitri С.Т., 2017). Жарроҳлик инфекцияси

бўлган беморларни комплекс даволашда иммунокорректорларни қўллаш самарадорлиги тўғрисида кўп исботланган маълумотлар тўпланган бўлишига қарамай, ўткир панкреатитга чалинган беморларни даволаш баённомаларига иммунотерапияни киритиш тавсия этилмаган (Лобанов Л.С., 2017; Rawla P.I., 2017).

Бир қатор тадқиқотларда деструктив панкреатит фонида иммуномодуляторлардан фойдаланишнинг кутилган самараси йўқлиги тавсифланади. Одатда, бундай ҳолатларда иммунотерапиянинг самарасизлиги инфекция ўчоқларини етарлича тозаланмаганлиги билан боғлиқ (Гольцов В.Р., 2015; Вальчинская А.Б., 2017; Deng L.H., 2017). Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугунги кунда ўткир панкреатит билан оғриган беморларда иммуномодуловчи терапияни тайинлаш тўғрисида келишув мавжуд эмас. Иммун тизим жавоби ривожланиш босқичларида аниқланган иммун тизим бузилишларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиладиган иммунотерапия баённомалари тавсия этилмаган. Шу муносабат билан, йирингли-септик асоратлари бўлган беморларда иммун тизими бузилишларини олдини олиш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 04.2020.PhD.053 “Бухоро минтақаси иссиқ иқлимли шароитда организмнинг патология олди ва патологик ҳолатлари эрта ташхис, давоси ва профилактикасига янгича ёндошишини ишлаб чиқиш” (2017-2021 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўткир панкреатитга чалинган беморларда иммун тизими етишмовчилигини аниқлаш ва йирингли-септик асоратларни даволашда дифференциялашган иммунотерапияни асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўткир панкреатитга чалинган беморларда иммун тизим кўрсаткичлари ва иммун тизим етишмовчилиги динамикасини аниқлаш;

ўткир панкреатитнинг йирингли-септик асоратлари бўлган беморларда иммун тизим жавобининг “гиперяллиғланиш” ва “иммун дистресс” босқичларида иммун тизими етишмовчилиги даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

ўткир панкреатитнинг йирингли-септик асоратлари бўлган беморларда иммун тизим жавобининг “гиперяллиғланиш” ва “иммун дистресс” босқичларига боғлиқ равишда иммун тизими ўзгаришларини даволаш ва олдини олиш алгоритмини ишлаб чиқиш;

ўткир панкреатитнинг йирингли-септик асоратларни олдини олиш, ҳамда комплекс даволашда иммун тизим ўзгаришларга асосланган, дифференциялашган иммунотерапияни ўрнини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида даволанган 112 нафар ўткир панкреатитга чалинган беморлар ўрганилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ўткир панкреатитга чалинган беморларни клиник ва иммунологик кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари** тадқиқотда клиник, лаборатор, иммунологик таҳлиллар ва инструментал тишириш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўткир панкреатитда иммун тизим реакциясининг кечиши иммун тизим жавоб босқичига боғлиқ эканлиги аниқланган;

оғир кечувчи ўткир панкреатит мавжуд беморларда иммун тизими етишмовчилиги ривожланиши оқибатида стерил панкреатитнинг йирингли яллиғланишига ўтиши ва кейинчалик йирингли асоратларнинг юзага келиши аниқланган;

илк бор ўткир панкреатитга чалинган беморларда иммун тизими етишмовчилиги синдроми оғирлик даражасини баҳолаш учун дастур яратилган ва стерил панкреатитни йирингли-яллиғланишга ўтишини, септик асоратлар ривожланиши эҳтимолини башоратлаш имконини берган бўлиб, бунда қиёсий иммунотерапия ўтказиш лозимлиги исботланган;

илк бор оғир кечувчи ўткир панкреатитнинг эрта босқичларида ишлаб чиқилган алгоритм асосида дифференциялашган иммунотерапияни ўтказилиши самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иммун тизими етишмовчилиги оғирлик даражасини аниқлаш дастуридан амалиётда фойдаланиш, ўткир панкреатитнинг шишли шаклини йирингли яллиғланиш ва асоратлар ривожланишини олдиндан башоратлаш имконини яратиб, иммун тизим ўзгаришларига асосланган даво чораларини ўтказишга муҳтож беморлар гуруҳини аниқлаб берган;

иммун тизим етишмовчилик синдроми даражалари, касалликнинг кечиш оқибатлари ва асоратларнинг ривожланиш хавфини белгилашда балл тизимини қўллаш ҳамда қиёсий иммунотерапия ўтказиш мезонлари таклиф қилинган;

Ўткир панкреатитга чалинган беморларда иммун тизимидаги ўзгариш босқичларини инобатдан олган ҳолда замонавий иммуномодуляторларни қўллаш самарадорлиги очиқ берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув, клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонини етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, беморлар клиник ва иммунологик кўрсаткичларни босқичларига қараб баҳолаш тартиби, ҳамда ўзгаришларга асосланган ҳолда гуруҳларга бўлиш, олинган натижалар асосида даволаш натижалари билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - ўткир панкреатитга чалинган беморларда иммун тизимидаги ўзгаришлар касаллик босқичига боғлиқлигини аниқлаш ва



касаллик асоратларини ривожланиш эҳтимолини башоратлашда илк бор таклиф қилинган балл бериш мезонларидан фойдаланилиш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - касалликнинг даражаси ва босқичига қараб иммун тизимдаги ўзгаришлар турлича бўлиши натижасида, ушбу ўзгаришларга асосланган ҳолда, ўткир панкреатитни қиёсий иммунотерапия негизида даволаш алгоритмини қўллаш натижасида йирингли-септик асоратларни олдини олиш ва ўлим фоизини камайиши имконини бериши билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўткир панкреатитни комплекс даволашда иммун тизими ўзгаришларига асосланган терапия» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 8н-р/533-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада ёритилган ўткир панкреатитда иммуномодулятор полиоксидоний препаратини қўлланилиши даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Ўткир панкреатит классификацияси қайта таҳлилларига асосида ишлаб чиқилган «Ўткир панкреатит Atlanta 2012 йил классификацияси қайта таҳлилларига асосланган замонавий даволаш тамойиллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 8н-р/532-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома ўткир панкреатитни 2012 йилда Атланта классификацияси асосида даволаш стратегияси ёритилган ва ушбу касалликни иммунотерапевтик босқичма-босқич даволашнинг самарали амалга ошириш имкони яратилган.

Ўткир панкреатитнинг йирингли-септик асоратларида дифференциаллашган иммунотерапия бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига жумладан, республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, Ромитан ва Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаларининг клиник амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 08-04/5068-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ўткир панкреатитга чалинган беморларни комплекс хирургик даволашнинг бевосита натижалари яхшиланишига, касалликнинг йирингли-септик асоратлари ва ўлим фоизининг камайиши, шифохонада бўлиш ўртача давомийлиги қисқаришига ва беморларнинг эрта ижтимоий-меҳнат реабилитациясига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот иши натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ҳамда 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган, улардан: 6 та мақола диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацион комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, шарҳи, 5 та боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Диссертация ҳажми 111 саҳифани ташкил этган, 15 жадвал ва 15 расм берилган. Адабиётлар рўйхатида 115 та манба кўрсатилган, улардан 35 таси чет эл муаллифлари ишлари.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объектлари, предмети ифодаланган, тадқиқотнинг мамлакатимиз фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган маълумотларнинг ишончилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Ўткир панкреатит ривожланишида иммун тизимининг аҳамияти»** деб номланган ўткир панкреатит ривожланишида иммун тизимининг ўрни ва аҳамияти хорижий ҳамда маҳаллий адабиётлар манбалари билан талқин қилинган. Ўткир панкреатит патогенезида иммун тизимининг иштироки, иммун тизим ҳолати ўзгаришлари ва иммун тизим жавоб босқичлари, ўткир панкреатитга чалинган беморларда иммун тизимининг ўзгаришлари ва иммун тизим ўзгаришларга асосланган қиёсий иммунотерапия муолажалари батафсил ёритилган. Тавсия этилаётган даво ва профилактика усуллари, уларнинг натижалари, афзаллик ва камчиликлари тавсифи баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида ўткир панкреатит ривожланишида иммун тизимининг аҳамияти бўйича **«Тадқиқот усуллари ва клиник материалнинг умумий таснифи»** деб номланган қўйилган муаммонинг ечимини таъминлайдиган текширув усуллар келтирилган. Беморларнинг клиник тавсифи қуйидагича: РШТЎИМнинг Бухоро филиалида 2016 - 2019 йилларда ЎП ташхиси билан даволанган 112 нафар беморларнинг иммун тизим ҳолати ўрганилди. Уларнинг ўртача ёш 48 ёшни (18-80) ёш ташкил қилган, жумладан аёллар 67 нафар (59,8%) ва эркеклар 45 нафар (40,2%) ни ташкил этган. Беморларнинг аксарияти касалликнинг дастлабки, 1-3-кунлари мурожаат қилган ва касалхонага ётқизилган. Кузатувдаги барча беморлар этиологик факторларига кўра қуйидагича бўлинди: турли хил билиар патологиялар билан - 69 нафар (61,5%) алкоғолизм билан - 32 нафар (28,5%), меъда ости безининг ёпиқ ва очиқ жароҳати натижасида 11 нафар (9,5%) беморлар.

Ўткир панкреатит ташхиси 2012 йилдаги, Атланта халқаро симпозиумида қабул қилинган клиник таснифлар мезонига асосланиб қўйилган. Ўткир панкреатит ташхиси кенг қамровли клиник ва лаборатор маълумотларга (УТТ, КТ, лапароскопия ва бошқа усулларга) асосланиб қўйилади. Барча клиник ва биокимёвий текширув усуллари РШТЎИМ

Бухоро филиалининг қабул-диагностика бўлими лабораториясида амалга оширилган.

Панкреонекроз ўчоқларининг йирингли-инфекцияланиши ва суюқлик тўпланиши ташхисоти УТТ текшируви ёки операция вақтида пункция орқали олинган материални бактериологик текшириш орқали тасдиқланган. Беморларни қабул қилиш вақтида ва динамикада ўткир панкреатитнинг оғирлик даражаси SAPS (Simplified acute Physiology Score) шкаласи бўйича баҳоланган. 21 нафар беморларда (18,7%) касалликнинг енгил даражаси (0-5 балл), 82 нафари (73,2%) ўртача (6-12 балл) ва 9 тасида (8,1%) оғир даража (12 баллдан юқори) қайд этилган.

Жараённинг меъда ости беши паренхимасига ва қорин парда орти ёғ қатламига тарқалишини УТТ маълумотларга асосланиб, ўрганилган.

Асептик характерга эга маҳаллий деструктив асоратлар 61 нафар (54,5%) беморларда кузатилган ва қуйидагиларни ўз ичига олган қорин бўшлиғида эркин суюқлик - 7 (6,2%) нафар; чегараланган ўткир панкреатоген суюқликни қорин парда ичи ва қорин парда ортига тўпланиши - 11 тасида (9,8%); инфилтрат - 14 (12,5%); секвестрация - 17 (15,2%); эрта (етилмаган) сохта киста - 12 (10,7%) нафар беморларташқил этган. Инфекцион-яллиғланишли ва йирингли-деструктив асоратлар 112 нафар беморнинг 51 (45,5%) тасида кузатилган. Кўпроқ ўткир панкреатит билан оғриган беморларда қорин парда орти соҳа флегмонаси, панкреатоген абсцесс ва пневмония ривожланган. Йирингли асоратлар 1 нафар (1,9%) беморда эррозив қон кетишини келтириб чиқарган.

Беморларнинг фақат 61 нафарида (54,4%) консерватив даво ўтказилган. Консерватив терапиянинг асосий мажмуаси оғиз орқали овқатланишни инкор этиш ва найча орқали меъда ширасини аспирацияси йўли билан меъда ости безининг функционал дам олиши, маҳаллий гипотермия, инфузион терапия, анальгетиклар, антиспазмолитиклар, десенсибиловчи ва антацид дори воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олган. Оғир панкреатитни консерватив даволаш бўйрақ функциясини сақлаб турган ҳолатда мажбурий диурез билан биргаликда инфузион терапия орқали амалга оширилган. Меъда ости безининг ташқи секрециясини бостириш шарт бўлганлиги туфайли, кунига 300-1200 мкг/сут октреотид буюрилган. Меъда ости безидаги перфузия блоқини ечиш мақсадида ферментга қарши дори воситалари киритилган.

Йирингли асоратлар ривожланишини олдини олиш учун антибиотиклар буюрилган. 9 нафар беморларда УТТ остида минимал инвазив эндоскопик ва пункцион тозалаш усуллари қўлланилган, 29 нафар беморларда анъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда жарроҳлик аралашувлари, 13 нафар беморда минимал инвазив ва анъанавий даволаш усуллари турли кетма-кетликда бажарилган. Кузатувдаги 112 нафар беморларнинг 8 тасида (7,1%) ўлим ҳолати кузатилган, улардан 2 (1,8%) нафарида панкреатоген токсемиянинг асоратлари, шу жумладан 1 (0,9%) нафарида – панкреатоген шок ва 5 (4,55) нафарида полиорган етишмовчиликдан ўлим ҳолати кузатилган.

Иммун тизими ҳолатини аниқлаш CD-дифференциацияланган ва фаоллашган антигенлар экспрессияси орқали амалга оширилган. Қуйидаги


иммунокомпетент хужайралар маркерлари аниқланган: CD3 + -, CD4 + -, CD8 + -, CD16 + -, CD19 + -, CD22 +, шунингдек CD25 + - ва лимфоцитлар CD рецепторлари экспрессияси Россияда ишлаб чиқарилган ОАЖ «Сорбент» LT сериядаги моноклонал антитаначалар ёрдамида Гариб Ф.Ю. (1995) усули бўйича розетка ҳосил қилиш реакциясида амалга оширилган.

Асосий А, М ва G синфидаги иммуноглобулинларнинг кон зардобидаги концентрациясини аниқлаш Манчини (1963) усули бўйича радиал иммунодиффузия усули билан амалга оширилган.

Олинган маълумотларга IBM SPSS 11.0 (SPSS, Inc.) программаси ёрдамида статистик ишлов берилди. Ўртача кўрсаткич, ўртача квадрат оғиш ( $\sigma$ ) ҳисобланди. Колмогорова–Смирнов тести ёрдамида танланган кўрсаткичлар тарқалиши текширилди. Ўзгарувчан ва турғун кўрсаткичлар солиштирма аниқлик даражасини ўрганиш учун Стюдент t- критерийсидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Ўткир панкреатитда беморлар иммун тизимининг бошланғич «гиперяллиғланиш» босқичидаги ўзгаришлар**» иммун тизим жавобининг бошланғич «гиперяллиғланиш» босқичининг умумий таснифи келтирилган. Беморларда иммун тизим жавобининг бошланғич босқичини адекват акс эттирувчи иммунограмма параметрларини аниқлаш учун ўткир панкреатитга чалинган, йирингли асоратлар аниқланмаган, иммуномодуловчи даво олмаган, касаллик тузалиш билан яқунланган 21 нафар беморларнинг иммунологик текширув натижалари тахлили ўтказилди.

Иммунограмма касалликнинг 1, 3-кунларида амалга оширилди. Беморларни иммунограмма параметрлари бўйича тақсимланиши меъёрга мувофиқ келди ва бу тавсифловчи статистика усуллари билан тасдиқланди. Меъда ости беши ва парапанкреатик тўқималарнинг деструкциясига жавобан беморларда одатий носпецифик яллиғланиш реакцияси ривожланди, нисбий лейкоцитоз, нейтрофилларнинг метаболитик фаоллигини нисбатан ўсиши, нисбий лимфопения, IgM ва IgG концентрациясининг пасайишга мойиллиги, CD19+ хужайралар таркибининг камайишга мойиллиги билан тавсифланди. Беморларда иммунограмма параметрларининг ўзгариши бир йўналишли ва бир хил бўлган. Иммун тизим танқислиги ва йирингли-септик асоратларга олиб келадиган иммун тизимидаги ўзгаришларни тавсифлаш мақсадида оғир ЎП га чалинган, йирингли асорат бўлиши хавфи бўлган ва йирингли асоратлар ташхисланган беморлар (91 нафар) қони иммунологик текширувдан ўтказилган. Иммунологик қон текшируви касалликнинг 1, 3-кунларида бошлаб ўтказилди.



**1-расм. Ўткир панкреатитга чалинган беморлар бошланғич иммунологик кўрсаткичлари**

ЎП чалинган беморларнинг йирингли асоратлар ва асоратлар кузатилмаган кузатилмаган гуруҳларида асосий иммунологик кўрсаткичлари деярли бир хил, лекин уларнинг намоён бўлиш даражаси хар хиллиги аниқланди. Иммунологик кўрсаткичлар солиштирма таҳлил қилинганда 2-гуруҳ беморларида 1-гуруҳ беморларига нисбатан беш ва ундан ортиқ кўрсаткичларида фарқлар ошганлиги ёки пасайганлиги кузатилди (1-расм).

ЎП га чалинган беморларнинг иммун тизим ҳолатини баҳолаш ва иммун тизим етишмовчилигининг шаклланиш эрта белгиларини ташхислаш учун, касалликнинг дастлабки босқичларида иммун тизимдаги патологик ўзгаришларни миқдорий баҳолаш усулини ишлаб чиқилган. Тадқиқотдаги беморларнинг умумий оғирлик даражасини баҳолаш шкаласи тамойилини асосий деб олдик. Ушбу тамойилнинг асосини «патологик меъёр» га мувофиқ келувчи иммунологик ўзгаришларнинг ўртача қийматдан оғишини аниқлаш ётади. ЎП га чалинган беморларнинг иммунологик текширувда олинган қийматлари «патологик меъёр» қийматидан бир стандарт квадратик пастга ёки юқорига оғиши ( $\sigma$ ) 0 балл сифатида қабул қилинган. Иммун тизимининг патологик силжиш катталигининг ошиш томонга биттадан кўп  $\sigma$ , лекин иккитадан кам  $\sigma$  оғишини 1 балл; иккитадан кўп, лекин учтадан кам  $\sigma$  оғишини - 2 балл; учдан ортиқ  $\sigma$  оғишини - 4 балл деб баҳоладик. Худди шу тарзда, иммунологик кўрсаткичларнинг «патологик меъёр» бир ва иккита стандарт оғишини биз 2 балл; иккитадан кўп  $\sigma$ , лекин учтадан кам  $\sigma$  - 4 балл; учта стандартдан кўпроқ оғиш - 8 балл деб баҳоладик. Беморларда ҳар бир

иммунологик кўрсаткичлар балл шкалаларида аниқланган оғишларга мувофиқ равишда баҳоланди ва баллар йиғиндиси ҳисоблаб чиқилган.

Йирингли асоратлари бўлмаган 21 нафар беморларда иммун тизим жавобининг "гиперяллиғланиш" босқичида баллар йиғиндиси 0 дан 5 гача, ўртача  $3,6 \pm 0,3$  баллни ташкил қилган. Иммун тизим жавобининг "гиперяллиғланиш" босқичида йирингли асоратлари кузатилиш хавфи бўлган 91 нафар беморларда (касалликнинг 1, 3-кунлари) балларнинг йиғиндиси 6 дан 18 гача, ўртача  $12,3 \pm 0,5$  баллни ташкил этди. Шулардан 9 нафарида баллар йиғиндиси 9 дан 18 гача, ўртача  $13,6 \pm 0,8$  баллни ташкил этган.

Шунга кўра, «гиперяллиғланиш» босқичида ЎП га чалинган беморларда иммун тизим етишмовчилигининг миқдорий баҳолаш учун иммунологик текширув натижаларининг оғиш қийматини ЎП да тўқималар деструкциясига нисбатан иммун тизимининг меъерий реакцияси кўрсаткичларидан оғишини ҳисоблашга асосланган градация усули ишлаб чиқилган: 0 дан 5 баллгача - енгил; 6 дан 12 баллгача - ўртача; 12 балл ва ундан юқори - оғир.

Шундай қилиб, даво чоралари фониди ҳеч қандай йирингли асоратлар ривожланмаган беморларда қиёсий иммунотерапия ўтказилмади, беморлар тўлиқ соғайишди, иммунологик кўрсаткичлари ўзгариши 80-90% ҳолатларда «патологик меъер» қиймати чегарасида бўлган.

Иммун тизими етишмовчилиги ва йирингли-септик асоратларнинг ривожланишига шубҳа қилинган 91 нафар беморлар қонида иммунологик кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Иммунограмма текшируви касалликнинг 1, 3-кунларида, яъни иммун тизим жавобининг дастлабки "гиперяллиғланиш" босқичида ўтказилди, йирингли асоратлар эса кейинчалик (касалликнинг иккинчи, учинчи ҳафтасида) ривожланган. А, М, G зардоб иммуноглобулинлари концентрацияси ва лимфоцитларнинг нисбий сони мос равишда 35-40 % беморларда «патологик меъер» чегарасидалиги рўйхатга олинди. CD3+ лимфоцитлар 32% ҳолатларда, CD19+ ҳужайрлар эса 27% ҳолатларда «патологик меъер» чегарасига мос келган. Йирингли асоратлар ривожланган беморларнинг 68 нафарида лейкоцитоз ривожланган, аммо фақатгина 35 нафар беморларда эса лейкоцитлар миқдори «патологик меъер» чегарасида бўлди, «патологик меъер» чегарасидан кўрсаткичлар 2, 3 стандарт оғиши ( $\sigma$ ) аниқланган.

Яллиғланиш ва яллиғланиш олди цитокинлари даражасини ўрганишдан олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, ЎП да цитокинлар кўрсаткичлари ишончли даражада ўсиши кузатилди. Ушбу ўзгаришлар 2-гуруҳда янада яққолроқ намоён бўлди (1-жадвал). Периферик қон зардобиди даво муддатидан олдин, яллиғланиш олди цитокинлари (ЎНО- $\alpha$ , IL-1, IL-6, IL-4) касалликни консерватив ва оператив даволаш муддатларининг 1, 3 ва 4, 7-кунларида, ҳамда 7-кундан сўнг аниқланган.

**Ўткир панкреатитда цитокинлар кўрсаткичлари, (M±m).**

Цитокинлар пг/мл	Назорат гурухи n=20	Беморлар ЎП	
		1-й гр., n=21	2-й гр., n=91
TNF $\alpha$	23,9 ± 1,5	53,7 ± 2,3*	62,2 ± 3,5* <sup>^</sup>
IL-1 $\beta$	28,3 ± 1,7	57,7 ± 2,2*	65,8 ± 2,9* <sup>^</sup>
IL-6	21,8 ± 1,4	38,5 ± 1,7*	43,6 ± 2,0* <sup>^</sup>
IL-4	8,5 ± 0,7	14,3 ± 0,9*	18,3 ± 1,1* <sup>^</sup>

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан ишончли, <sup>^</sup> 1-гуруҳга нисбатан ишончли

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Ўткир панкреатитга чалинган беморларда иммун тизим жавобининг иккинчи «иммун фалажланиш» босқичидаги ўзгаришлари» йирингли асоратлар юзага келиш хавфи бўлган 91 нафар беморларнинг иммун тизим жавобининг иккинчи иммун фалажланиш босқичидаги иммунологик кўрсаткичлари таҳлиliga бағишланган.

Йирингли асоратлар ривожланмаган беморларда, иммуноглобулинлар концентрацияси иммун тизим жавобининг «иммунитет фалажланиш» босқичида аста-секин ошиб бориб, ҳамда касалликнинг 19, 22-кунларига келиб максимал даражага етган. ЎП га чалинган ва йирингли асоратлари кузатилган беморлар қонида иммуноглобулинлар концентрацияси ҳам касалликнинг 12, 14-кунларидан бошлаб ошиб борган. Аммо, касалликнинг 6, 8-кунларида иммуноглобулин А ва G мувофиқ равишда ўртача 2,0±0,2 г/л ва 9,5±0,5 г/л ни ташкил этган, ҳамда 1-гуруҳ беморларига нисбатан ишонарли паст даражада бўлган. Кузатув давомида ўткир панкреатитнинг йирингли асоратлари бўлган беморлар қон зардобиди М ва G иммуноглобулинлар концентрациясини йирингли ўчоқ микрофлорасининг ўзгариши ёки йирингли-септик жараённинг ривожланишига боғлиқ равишда пасайган. Иммун тизим жавобининг иккинчи «иммун фалажланиш» босқичидаги 1-гуруҳ беморларида лимфоцитларнинг нисбий таркиби касалликнинг 6, 8-кунларидан бошлаб тикланди, ҳамда касалликнинг 19, 22-кунларига келиб физиологик қиймат даражасига етган. Йирингли асоратлари бўлган беморлар веноз қонида лимфоцитларининг нисбий миқдори ўртача 10,4±0,9% дан 12,3±1,4% гача оралиғида бўлган. Ушбу гуруҳ беморларида нисбий лимфопения кузатув даври мобайнида тикланишга мойиллиги қайд этилмаган. Ушбу гуруҳ беморларида нисбий лимфопения кузатув даври мобайнида тикланишга мойиллиги қайд этилмаган. Касаллик даволаш оқибати ижобий бўлган беморлар вена қонида CD3+-лимфоцитларнинг (Т-лимфоцитлар) нисбий миқдорининг сезиларли ўзгариши кузатув давомида аниқланмаган. Т-лимфоцитлар миқдори ўртача физиологик қийматга мувофиқ келган. Аммо, йирингли асоратлар кузатилган беморларнинг катта қисмида CD3+-лимфоцитларнинг нисбий миқдори кўтарилишга мойил бўлди

ҳамда касалликнинг 19, 22-кунларига келиб, ўртача физиологик қийматдан статистик ишонарли равишда юқори бўлган.

Ўткир панкреатитга чалинган беморларда Т-лимфоцитларнинг субпопуляцион таркиби таҳлил этилганида, 1-гуруҳ беморларида касалликнинг 6, 8 ва 12, 14-кунларида иммунорегулятор индексини ўртача  $1,3 \pm 0,1$  гача пасайганлиги аниқланган. 1-гуруҳ беморларининг катта қисмида хелпер ҳужайралари миқдори физиологик меъёр доирасида қайд этилган. 2-гуруҳ беморларида ҳам цитотоксик лимфоцитлар улушининг касалликнинг 6, 8-кунлариданок ўртача  $33,6 \pm 2,0\%$  гача ошиши, кузатув давомида иммунорегулятор индексини касалликнинг 19, 22-кунларига келиб ўртача  $1,2 \pm 0,1$  гача пасайиши кузатилган. 1-гуруҳ беморларида касалликнинг 6, 8-кунларида CD19+-лимфоцитларининг нисбий миқдори ўртача  $9,3 \pm 0,6\%$  гача пасайган. Панкреатоген деструкция соҳасининг йирингли-ялиғланиши бўлган беморларда В-лимфоцитларнинг нисбий миқдори 1-гуруҳ беморларига нисбатан ишонарли равишда юқори бўлди ҳамда ўртача  $16,8 \pm 1,4\%$  ни ташкил этган.

Иммун тизим жавобининг иккинчи, «иммун фалажланиш» босқичида ЎП га чалинган беморларда адекват иммун тизим жавобини акс эттирувчи иммунограмма кўрсаткичларини аниқлаш учун оғир даражадаги ЎП билан оғриган, йирингли асоратлар ташхисланмаган, даво чоралари мажмуасида иммуномодуловчи даво ўтказилмаган, даволаш натижаси ижобий, иммун тизим жавобининг биринчи «гиперялиғланиш» босқичида баҳолаш шкаласи бўйича баллар йиғиндиси 6 дан ошмаган 21 нафар беморларнинг қони иммунологик текширувдан ўтказилган. Барча беморларда иммунологик текширув 6-8, 12, 14 ва 19, 22-кунларида ўтказилди. Адекват иммун тизим жавоби кузатилган беморларда касалликнинг 6, 8-кунларида лейкоцитлар миқдори меъерий кўрсаткичнинг юқори чегараси доирасида бўлган ( $8,9 \pm 0,6 \times 10^9/\text{л}$ ) ҳамда касалликнинг 19, 22-кунларида ўртача физиологик қийматга мос келган ( $6,7 \pm 0,5 \times 10^9/\text{л}$ ).

1-гуруҳ беморларида зардоб иммуноглобулинлари концентрацияси касалликнинг 6, 8-кунларига келиб меъёрлашган, 12, 14 ва 19, 22-кунларида IgA миқдори ўртача физиологик қийматдан ишонарли равишда юқори бўлган ( $27,9 \pm 1,8$ , меъёр  $2,2 \pm 0,2$ ). IgG концентрацияси эса беморларнинг 50,0% да касалликнинг 12, 14 ва 19, 22-кунларига келиб ўртача физиологик қийматдан юқори бўлган. Ҳужайравий иммун тизим ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичлар таҳлил этилганида, 1-гуруҳ беморлари веноз қонида лимфоцитлар миқдори касалликнинг 6, 8-кунларида иммун тизим жавобининг индукция босқичига нисбатан ишонарли даражада юқори бўлган ҳамда мувофиқ равишда  $17,8 \pm 0,9$  ва  $12,7 \pm 0,5$  ташкил қилган. Касалликнинг 12, 14-кунларида беморларда лимфоцитларнинг нисбий миқдори тикланди, ҳамда меъёрнинг ўртача қийматига мувофиқ келган.

CD8+-лимфоцитлар миқдори кузатув давомида меъёр қиймати доирасида бўлди, ҳамда субпопуляцион таркибда қуйидагича ўзгаришлар кузатилган. Касалликнинг 6, 8-кунларида CD8+- лимфоцитларнинг ўртача  $34,3 \pm 2,6\%$  гача ишонарли ошиши ҳисобига иммунорегулятор индекс



пасайган. Аммо касалликнинг 12, 14-кунлардан сўнг лимфоцитларнинг нисбий сони меъёр ҳолатига қайтган. Кузатув давомида CD4+- хужайралар таркиби физиологик меъёр қийматларига мувофиқ келган. 1-гуруҳдаги беморлар қонида В-лимфоцитлар миқдори касалликнинг 6, 8-кунларида ўртача  $7,6 \pm 0,6\%$  гача камайган (меъёр  $15,0 \pm 1,3$ ). Касалликнинг 19, 22-кунларига келиб, веноз қонда В-лимфоцитлар миқдори тикланган.

2-гуруҳ беморларининг 1 ва 2 ҳафтасида умумий аҳволининг оғирлашиши ва касалликнинг 6, 8 ва 12, 14-кунларида иммун тизимининг кўрсаткичлари ўзгариши билан намоён бўлди. Иккинчи ҳафтанинг охирига келиб, беморлар қонида лейкоцитлар миқдори ўртача  $18,2 \pm 2,4 \times 10^9/\text{л}$  гача кўтарилган ва кейинчалик лейкоцитоз сақланиб қолган. Касалликнинг 6, 8-кунларида беморларда А, М ва G синфларига оид иммуноглобулинлар концентрацияси физиологик меъёрга нисбатан пастлигича қолган. Касалликнинг 12, 14-кунларидан бошлаб А ва G иммуноглобулинлар даражаси аста-секин ошиб борди, ҳамда кейинги кунларда меъёрнинг юқори чегарасида рўйхатга олинган. ЎП нинг йирингли асоратлари бўлган беморларда М ва G иммуноглобулинлари концентрацияси йирингли ўчоқ микрофлорасининг ўзгаришига боғлиқ равишда пасайиши кузатилган.

Беморларда касалликнинг 6, 8-кунларига келиб CD3+-лимфоцитлар миқдори турли хил йўналишларда ўзгарган, аммо унинг ўртача қиймати меъёрга мувофиқ келган. 19, 22-кунларига келиб беморларнинг катта қисмида Т-лимфоцитлар миқдори меъёрий қийматлардан ошган. Касалликнинг 6, 8-кунларида Т-лимфоцитларнинг субпопуляция таркиби ҳам турли хил йўналишларда ўзгарди. Касалликнинг 6, 8-кунларида йирингли асоратлар кузатилган беморлар веноз қонида В-лимфоцитлар миқдори кенг қиймат диапазонида 2% дан 43% гача ўзгарган, бу эса популяцион таҳлил ўтказишни талаб этган. ЎП йирингли асоратлари кузатилган беморлар касалликнинг 6, 8-кунларида CD3+ ва CD19+ лимфоцитлар миқдорига кўра икки гуруҳга тақсимланган. Беморларнинг кўпчилиги қисмида (80%) В-лимфоцитлар миқдори меъёр чегарасида ёки пасайганлиги, Т-лимфоцитларнинг нисбий миқдорини аксинча ошганлиги аниқланган. 15% беморларда эса В-лимфоцитлар миқдори ўртача физиологик қийматдан ошган, Т-лимфоцитларнинг нисбий миқдори эса паст бўлган. 1-гуруҳдаги барча беморларда В-лимфоцитлар миқдори камайган ёки меъёрнинг пастки чегарасида қайд этилган. 1-гуруҳ беморларида Т-хужайраларнинг таркиби меъёрга тўғри келган ва 16% ҳолатларда меъёрдан юқори бўлган. беморларда касалликнинг 6, 8-кунларида иммунологик натижалар таҳлилида В ва Т лимфоцитларининг таркиби бўйича ҳар хил эканлиги аниқланган, ҳамда беморларни иккита популяцияга ажратишга сабаб бўлган. CD3 + лимфоцитлар миқдори ўртача  $82,4 \pm 1,1\%$  ташкил этган, CD19+- хужайраларининг нисбий сони эса ўртача  $7,7 \pm 0,7\%$  гача камайган. Ўткир панкреатитга чалинган беморларда эса худди шу даврда CD19 + хужайраларининг нисбий таркиби (В-лимфоцитоз) ўртача  $29,1 \pm 1,0\%$  гача ошган, CD3 + хужайралар сони эса одатдагидан анча паст бўлиб ўртача  $55,0 \pm 1,9\%$  ни ташкил этган.

Диссертациянинг бешинчи бобида «Ўткир панкреатитда қиёсий иммунотерапияни қўллаш ва олинган натижалар таҳлили» қиёсий иммунотерапияга кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва ўтказиш алгоритми, ҳамда даводан кейинги натижалар таҳлиliga бағишланган.

Иммун тизим ўзгаришларига асосланган давога мухтож беморларни аниқлаш. ЎП га чалинган беморларда иммун тизим жавобининг бошланғич босқичида ИТЕС оғирлик даражасини баҳолаш, иммуномодуловчи даво талаб қилинмайдиган беморларни, ҳамда терапевтик тадбирлар мажмуасида йирингли-септик асоратлар ривожланишини олдини олишга йўналтирилган иммуномодулятор давога мухтож бўлган гуруҳларни ажратиб олишга имкон берган. Беморларда тўқималар деструкциясига жавобан ўртача даражадаги лейкоцитоз, нейтрофилларнинг метаболик фаоллигининг ўртача ўсиши, нисбий лимфопения, CD19+-хужайралар миқдорининг ва М, G иммуноглобулинлари концентрациясининг камайишга мойиллиги билан тавсифланувчи физиологик мослашувчан стресс-реакцияси ривожланган.

Тўқималар деструкциясига жавобан беморларда иммун тизим жавобининг бошланғич босқичи «гиперяллиғланиш» ривожланган, ИТЕС I босқичида 0 дан 5 баллгача, беморларда кузатилган иммун тизимининг реакцияси адекват деб баҳоланилиб, медикаментоз даво талаб қилинмайди. ЎП га чалинган беморларда иммун тизим жавобининг бошланғич босқичида иммун тизим етишмовчилиги, иккиламчи иммунтанқислик шаклланишининг маркерларига иммунограмманинг беш ёки ундан ортиқ параметрларининг «патологик меъёр» қийматларига нисбатан камайиши ёки кўпайиши киритилган. ИТЕС II босқичи 6 баллдан кўп. Ўткир панкреатитга чалинган беморларда 6 ёки ундан ортиқ параметрларнинг ўзгариши иммун тизими етишмовчилиги ривожланишининг ташхисот белгиси ҳисобланган, ҳамда даво чоралари мажмуасига иммуномодуловчи давони киритиш талаб этилган.

Шундай қилиб, йирингли асоратларни ривожланишини олдини олиш мақсадида 6 ва ундан ортиқ иммунологик параметрлар бузилган, ИТЕС 6 баллдан юқори бўлган беморларга қиёсий иммунотерапия тавсия этилган.

